

**«РҮЙХАТГА ОЛИНГАН»**

Бекобод шаҳар хокимлиги тадбиркорларни  
руйхатга олиши инспекцияси  
2014 йил «22» 06 чусч  
429 -ракам билан

Инспекция бошлиги

М.У.



Гүйчинев Ж.У.

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

Бекободцемент АЖ нинг 30.06.2014  
й. акциядорларнинг умумий йигилишида

Акциядорларнинг умумий йигилиши  
ранси

Химматов А.Х.

М.У.



**«Бекободцемент»  
акциядорлик жамияти устави**

2014 й.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “Бекободцемент” акциядорлик жамияти (бундан бүён - Жамият), Давлат мулки қўмитасининг 1994 йил 11 январдаги 697-к-по-сонли буйруғига асосан ташкил этилди.

1.2. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: Лотин харфларида - "«Bekobodcement» Aksiyadorlik Jamiyati".

Кирилл харфларида – “ «Бекободцемент» Акциядорлик Жамияти

Рус тилида: Акционерное общество «Бекабадцемент»

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида: Лотин харфларида - «Bekobodcement» AJ

Кирилл харфларида – «Бекободцемент» АЖ

Рус тилида: АО «Бекабадцемент»

1.4. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.5. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий-номулкий хуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.6. Жамият ўзининг ташкилий-хуқуқий шакли қўрсатилган тўлиқ фирма номига ва қисқартирилган фирма номига эга бўлади. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери қўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим (муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

1.7. Жамият у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон почта манзилига эга бўлиши лозим. Жамият ўзининг почта манзили ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

1.8. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

1.9. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар Жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

1.10. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланмайди.

1.11. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк хуқуки асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қофозлар, олинган даромад, қонун хужжатлари билан таъциклимаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

1.12. Жамият қонун хужжатларида кўзда тутилган акциядорлик жамият ёки маъсулияти чекланган жамият шаклдаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этишга ҳақлидир.

1.13. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун хужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

1.14. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва

ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Жамият филиал ва ваколатхоналарини молмулк билан таъминлайди.

1.15. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомлар асосида иш кўради.

1.16. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси худудида асосий Жамият фаолиятини амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.

1.17. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

1.18. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргалиқдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

1.19. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Бекобод шаҳри, Истиклол кўчаси, 20 уй, 110503. e-mail: info@bekabad-cement.uz, сайт: www.bekabad-cement.com

## **П. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ**

2.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятидан акциядорлар манфаатлари учун фойда олишdir.

2.2. Қуйидагилар Жамият фаолиятининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

- қурилиш материалларини ишлаб чиқариши - цемент, шифер, асбест трубалари, алебастр, конструкция , ва бошқа маҳсулотлар;
- барча турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, шу билан бир қаторда чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланиш.
- қурилиш, лойиҳа-қидирув, лойиҳа-смета ишларини амалга ошириш, объектларни реконструкция қилиш.
- архитектура фаолияти;
- бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш.

2.2.1. Жамият қонунда таъкиқланмаган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишга ҳақли.

Жамият белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият олиб боради.

2.2.2. Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш мақсадида жамият қуйидагиларга ҳақли:

- Хўжалик, молиявий ва тижорат фаолиятини мустақил равишда режалаштириш;
- Қонунда белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда ўз маҳсулотлари, товарлари ва хизматларининг нархи ва тарифларини мустақил равишда белгилаш;
- Белгиланган тартибда ўз маблағларини Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқарида жойлашган корхона ва ташкилотларга сармоя киритиш, устав капиталларни сотиб олиш, бино, бино-иншоот, ер, табиий бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқларини, қимматли қоғозлар, ва конунга асосан мулк ҳуқуки обьекти бўла оладиган бошқа мулклар;

- Белгиланган тартибда лицензиялар олиш;
- Ҳар хил турдаги қимматли қоғозлар чиқариш;
- Чет эл ва маҳаллий мутахасисларни жалб қилиш;
- Мустақил равишда иш ҳақи турини, тизимини, миқдорини белгилаш;

- Белгиланган тартибда ваколатхона очиш.

2.3. Maxsus рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

Жамият юкорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари ўзига қарашли бўлинмалар, Жамиятлар ишини яхшилаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш учун қонунчиликка зид келмайдиган бошқа ишларни ҳам бажариши мумкин.

### **III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНинг МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ЁКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди 684 828 000 (олти юз саксон тўрт миллион саккиз юз йигирма саккиз минг) сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 100 (юз) сўм бўлган 6 718 200 (олти миллион етти юз ўн саккиз минг икки юз) дона оддий эгаси ёзилган ва 130 080 (бир юз ўттиз минг саксон) дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

Жамият устав фондидағи таъсисчиларнинг (акциядорларнинг) хиссалари ва уларнинг фоизлардаги нисбатлари:

Давлат улуши – 349 272 000 (уч юз кирқ тўққиз миллион икки юз етмиш икки) сўм, яъни устав фондининг 51,01 фоизини ташкил қиласди.

#### **а) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш**

3.3. Жамиятнинг устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Жамият устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Жамият Уставига киритиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.5. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав фондини кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Жамият Уставига киритиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.6. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равищда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 100 сўм бўлган 100 000 000 дона оддий акциялардан иборат.

#### **б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш**

3.7. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.8. Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга ҳақли.

3.9. Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори уставга киритилган тегишли ўзгартиришларни рўйхатдан ўtkазиш куни белгиланадиган устав фондининг энг кам миқдоридан қонун хужжатларида белгиланган миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

3.10. Устав фондини камайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.11. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

#### **IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ АКЦИЯЛАРНИНГ НИСБАТИ**

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади. Акциялар мулк ҳукуки ёки бошқа ашёвий ҳукуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахс акциянинг эгаси - Жамият акциядори деб эътироф этилади.

4.2. Жамият номинал қиймати 100 сўм бўлган оддий акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштиришга хақлидир.

4.3. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳукуқини беради.

Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштиришга хақли.

#### **V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

5.1. Жамиятнинг қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорида чиқарилаётган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули (оммавий ёки хусусий йўсинда), муддати, нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш усули ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар тўлови учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

5.2. Жамият қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартибини, яъни акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳукуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган (биржа ёки биржадан ташқари) бозорларни белгилайди.

5.3. Жамият қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш усули (оммавий ёки хусусий йўсинда) белгиланади.

5.4. Жамият томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.5. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк шунингдек пулда баҳоланадиган ҳукуқлар (шу жумладан ашёвий ҳукуқлар) воситасида амалга оширилади.

5.6. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳукуқига эга бўлиши мумкин. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар микдорига мутаносиб микдорда имтиёзли олиш ҳукуқига (бундан буён матнда имтиёзли ҳукуқ деб юритилади) эга.

Имтиёзли ҳукуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. Имтиёзли ҳукуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун микдорини олиши мумкин.

5.7. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳукуқини қўлламаслик тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишининг қарорида белгиланган муддат давомида, аммо бундай қарор қабул қилинган пайтда эътиборан кўпи билан бир йил давомида амал қиласи.

5.8. Имтиёзли ҳукуқнинг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

Имтиёзли ҳукуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган

ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги хужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли хуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли хукуқнинг амал қилиш муддати ичida жамиятга тақдим этилиши керак.

## VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 6.1. Жамият акциядорларининг хуқуқлари:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивиденdlар тарзида олиш;
- жамият тутатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаф қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қофозларни олишда заар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш хуқуқига эга.

Акциядорлар қонун хужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан хуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини ушбу Қонунда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивиденdlар олиш хуқуқидан маҳрум қilmайди.

### 6.2. Ҳар бир оддий акция эгаси ҳисобланган акциядорга бир хил хуқуқларни беради.

6.3. Оддий эгаси ёзилган акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ушбу Жамият уставига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш хуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек, дивиденdlар олиш, Жамият тутатилган тақдирда эса, Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш хуқуқига эгадир.

6.4. Акцияларга бўлган хуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган хуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қофозга бўлган хуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

### 6.5. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида;

жойлаштирилган акцияларни йириклиштириш ҳақида;

қонун хужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим (бундан буён матнда йирик битим деб юритилади) тузиш тўғрисида;

Жамиятнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг хуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият

томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.6. Жамият акциядорлари қўйидаги мажбуриятларга эга:

Жамиятнинг устав қоидаларига ва уставда кўрсатилган тартибда, миқдорда ва усулда хисса қўшиш (акция ҳақини тўлаш);

Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ташкил қилувчи сирларни фош қилмаслик.

6.7. Акциядорлар мазкур уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

## **VII. ЖАМИЯТ ДАРОМАДИ (ФОЙДА) НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

7.1. Дивиденд фойданинг соликлар ва мажбурий тўловлар тўлаганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг Жамият ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисмидир.

7.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.3. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

7.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги, йиллиги бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор Кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Кузатув кенгashi тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.6. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.7. Йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугаганидан сўнг уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

7.8. Агар дивидендлар тўлаш оқибатида Жамиятнинг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш таъкиқланади.

7.9. Дивидендлар Жамият тасарруфида коладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.10. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.11. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш хуқуқига эга.

7.12. Жамият қуийдаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга, ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

- жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;

- соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фондлари суммасидан кам бўлса ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

7.13. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган соликларни инобатга

олмаган ҳолда эълон қилади.

Эгаси ёки унинг қонуний хуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичидаги талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

## **VIII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

8.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа жамғармаларни ташкил этади.

8.2. Жамиятнинг захира фонди кўрилган зарарни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендер тўлаш ва қонунчиликка мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш хуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.3. Жамият устав фондининг 15 фоизи миқдорда Жамият захира фонди тузилади.

8.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 8.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказади.

8.5. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.6. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.7. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

## **IX. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ**

9.1. Жамиятни бошқариш органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув Кенгаши;
- Ижроия органи (Бош директор).

## **X. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

10.2. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичидаги ўтказилади.

10.3. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамият коллегиал ижроия органи аъзолари билан тузилган шартномаларни амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг ҳизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

10.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини Жамиятнинг Кузатув кенгаши белгилайди.

10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

а) Жамият Уставига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) Жамиятни қайта ташкил этиш;

в) Жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний

тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Жамият Кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) устав фондини камайтириш;

ж) ўз акцияларини сотиб олиш;

з) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

и) Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

к) Жамият йиллик хисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва заарлари хисоб-варағини тасдиқлаш, унинг фойда ва заарларини тақсимлаш;

л) Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан, жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир хисоботларини эшлиши;

м) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эммисиявий қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли хукуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

н) умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

о) акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

п) агар Жамият кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлса, Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим бўйича қарор қабул қилиш;

р) битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият активлари баланс қийматининг 50 фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш;

с) Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш:

т) амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, ушбу Уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

10.8. Овозга қўйилган масала бўйича, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, конунчилик ва уставда қарор қабул қилиш учун овоз бериш белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

10.9. Қўйидаги масалалар бўйича умумий йиғилишда қатнашувчиларнинг, овоз берувчи акцияларининг эгалари - акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади:

- Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- Жамиятни қайта ташкил этиш;

- Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг хисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хulosаларини эшлиши;

- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим бўйича қарор қабул қилиш;

- қонун хужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

10.10. Акциядорлар умумий йиғилиши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низом асосида амалга оширади.

10.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

10.12. Акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якупнари акциядорлар эътиборига етказилади, бироқ бу муддат ана шу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 қундан ошмаслиги керак.

10.13. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга.

10.14. Акциядорнинг талабига биноан Жамият акциядорга акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

10.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти қундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.16. Жамият акциядорга билдиришномани мустақил равища ёхуд Жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тегишли хизматлар курсатилиши учун тузиладиган шартномага мувофик қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси орқали юборишга ҳақли.

10.17. Жамият акциядорларига акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома йиғилиш ўтказиладиган санадан 7 қундан кечиктирмай юборилади.

10.18. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда куйидагилар кўрсатилиши керак:

- ◆ Жамиятнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
- ◆ Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- ◆ Жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана;
- ◆ Умумий йиғилишнинг кун тартибига киритилган масалалар;
- ◆ Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

10.19. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Жамият Кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамият уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёхуд Жамиятнинг янги таҳрирдаги устав лойиҳаси киради.

10.20. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган Жамият акциядорлари (акциядори) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 30 кун ичida акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва Жамият тафтиш комиссиясига бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

10.21. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма равища киритилади.

10.22. Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш, шу

жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, башарти номзод Жамият акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

10.23. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, турли "масалалар", "бошқа масалалар", "ўзга масалалар" ва ҳоказоларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

10.24. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 кундан кам ва 30 кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

10.25. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, Жамият тафтиш комиссияси талабига кўра, шунингдек талаб тақдим этилган санада Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби билан ўтказилади.

10.26. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакиришни Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширади.

10.27. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабабини кўрсатган ҳолда таърифлаб берилмоғи лозим.

10.28. Жамият Кузатув кенгаши Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига биноан чакириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

10.29. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш талаби акциядордан (акциядорлардан) чиқсан тақдирда бу талабда умумий йиғилишни чакиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми (номи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган бўлиши лозим.

10.30. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш талабномаси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

10.31. Жамият тафтиш комиссияси ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) навбатдан ташқари умумий йиғилишни чакириш тўғрисида ёзма талабнома тақдим этган санадан бошлаб 10 кун ичida Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида ёки йиғилишни чакиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласди.

10.32. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, Жамиятнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

10.33. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибига ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди.

10.34. Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига акциядорларнинг янги чакирилган умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоиздан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

10.35. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.36. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

10.37. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

10.38. Акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуки шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

10.39. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

10.40. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (исми ёки номи, тураг жойи ёки жойлашган манзили, паспорт маълумотлари) акс эттирилган бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан бериладиган овоз беришга доир ишончнома қонун хужжатларида белгиланган тартибда берилади.

10.41. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши ёпилганидан кейин кечи билан 10 кун ичida икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

10.42. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлса, Жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Қонун ва уставга кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма равишда шакллантирилади.

## XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

11.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши мухокамасига тақдим этиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Жамиятнинг Бош директорини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш,

шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган хужжатлардан Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

- аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш;

- акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг захира ва бошқа фонdlаридан фойдаланиш;

- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш;

- Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

- қонун хужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонун хужжатларида кўзда тутилган ҳолларда аффилланган шахслар иштирокида битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

- Жамиятнинг эмиссия рисоласини тасдиқлаш ва акциялар чиқарилуви тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамият акцияларини жойлаштириш (кимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш

- ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.3. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ти Низом асосида амалга оширади.

11.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.5. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга тайинланадилар (сайланадилар). Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат.

11.6. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

11.7. Жамият ижроия органининг аъзолари Жамият Кузатув кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас.

11.8. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган бошқа талаблар акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган "Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низоми"да белгилаб қўйилади.

11.9. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласи, мажлисда баённома

юритилишини ташкил этади.

11.10. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.

11.11. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чакирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

11.12. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришга ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолларда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

11.13. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва у мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

11.14. Жамият Кузатув кенгашининг вазифалари ҳукumat қарори билан тасдиқланадиган таркибга эга Жамият Кенгаши томонидан бажарилади.

## XII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш якка ижроия органи –Бош директор томонидан амалга оширилади.

12.2. Бош директор Жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошақаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

12.3. Бош директор акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

12.4. Жамиятнинг Бош директори Кузатув Кенгаши томонидан сайланади.

Бош директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

12.5. Жамият Бош директорининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлак ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.6. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

12.7. Жамият Бош директори мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ижроия органи тўғрисида"ги Низом асосида иш олиб боради.

12.8. Жамият Бош директорининг ваколатларига қуидагилар киради:

- мазкур устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Жамиятнинг бизнес-режасини ишлаб чиқиш;

- Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлаш;

- амалдаги қонунчилликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур холати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамият тизимиға киравчи тармоқ корхоналарининг фаолиятини назорат қилиш;
- Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш;
- Белгиланган тартибда хомийлик (бегараз) ердам курсатиш;
- Ижроия органи тўғрисидаги Низомга мувофиқ Бош директор ваколатига киравчи бошқа масалалар юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли қарорлар қабул қилиш.

12.9. Жамият Бош директори хукукларига қўйидагилар киради:

- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қиласди;
- штатларни белгилайди, Жамият ходимларини ишга қабул қиласди, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласди, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллади, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласди;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгashi қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда бегараз ёрдам кўрсатиш;
- амалдаги қонун хужжатларига ҳамда Жамият ички хужжатларига риоя қилиш;
- “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Бош директори ваколатига киравчи бошқа масалалар юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли қарорлар қабул қилиш.

12.10. Жамият Бош директори ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

12.11. Жамият Бош директори қонун хужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

### **XIII. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

#### **a) Тафтиш комиссияси**

13.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

13.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари амалдаги қонунчилик ва мазкур устав билан белгиланади.

13.3. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгилаб кўйилади.

13.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, акциядорлар умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг қарорига ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг хаммаси бўлиб камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади.

13.5. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамиятнинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

13.6. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга

ҳақли.

13.7. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

13.8. Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига ёки бошқарув органларидағи мансабдор шахсларга қарашли акциялар Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш чоғида овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.

#### **б) Ички аудит хизмати**

13.9. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

13.10. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

13.11. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

#### **в) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)**

13.12. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хulosаси тақдим этади.

13.13. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хulosаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

### **XIV. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ**

14.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисботини тақдим этиши шарт.

14.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисбот ва бошқа молия ҳисботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига Жамият фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Бошқаруви зиммасида бўлади.

14.3. Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги Жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

14.4. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишдан олдин Жамият йиллик молия ҳисботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун Жамият ёки акциядорлар билан мулкий манфаатлар негизида боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб этиши шарт.

14.5. Жамиятнинг йиллик ҳисботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 30 кун олдин Кузатув кенгashi томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

14.6. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

## **XV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

### **а) Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби**

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш) акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

15.2. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан Жамият 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма равища хабардор этади. Кредитор Жамиятдан мажбуриятларни тўхтатиши ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда заарнинг ўрнини қоплашни кўйидаги муддатларда ёзма равища хабар бериш йўли билан талаф қилишга ҳақлидир:

қўшиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш тарзида қайта ташкил этиш ҳақидаги хабарни Жамият кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан 30 кун ичида;

бўлиш ёки ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарни Жамият кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан 60 кун ичида.

Агар бўлиниш баланси қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг ҳукуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янги вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар бўладилар.

15.3. Ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир неча жамиятнинг барча ҳукуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан янги жамиятни вужудга келтириш жамиятларнинг қўшиб юборилиши деб ҳисобланади.

Жамият қўшиб юбориш тарзида қайта ташкил этилган тақдирда Жамият қўшиб юбориш ҳақида шартнома тузади, унда қўшиб юбориш тартиби ва шартлари, шунингдек ҳар бир жамият акцияларини янги жамиятнинг акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлиш тартиби белгилаб қўйилади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига қўшиб юбориш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги, қўшиб юбориш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги ва ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалаларни ҳавола этади.

Янги вужудга келаётган жамият уставини тасдиқлаш ва Кузатув кенгашини сайлаш қўшиб юборишида иштирок этаётган жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йиғилишида амалга оширилади. Акциядорларнинг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби жамиятларнинг қўшиб юборилиши тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамиятлар қўшилган тақдирда уларнинг ҳар бирiga тегишли барча ҳукуқлар ва мажбуриятлар ўтказиш далолатномасига мувофиқ янги вужудга келган жамиятга ўтади.

15.4. Бир ёки бир нечта жамият фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳукуқлари ва мажбуриятларини бошқа жамиятга ўтказиш - жамиятни бирлаштириш ҳисобланади.

Бирлаштирилаётган жамият ва бирлаштириб олаётган жамият бирлашиш тўғрисида шартнома тузадилар, унда бирлашишнинг тартиби ва шартлари, шунингдек бирлаштирилаётган жамиятнинг акцияларини бирлаштириб олаётган жамиятнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлиш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир жамиятнинг Кузатув кенгаши бирлашишда иштирок этаётган ўз жамиятининг умумий йиғилиши ҳукмига бирлашиш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги ва бирлашиш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалани киритади. Бирлаштирилаётган жамият Кузатув кенгаши ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳам акциядорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этади.

Мазкур жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши уставга ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қиласи. Акциядорларнинг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби бирлашиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Жамият бошқа жамиятга бирлашганда ўтказиш далолатномасига мувофиқ бирлаштираётган жамиятнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари қўшиб олган жамиятга ўтади.

15.5. Жамият фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган жамиятларга ўтказиш — Жамиятни бўлиш хисобланади.

Бўлиш тарзида қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига бўлиш тарзида Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисидаги, бу қайта ташкил этишнинг тартиби ва шартлари хусусидаги, янги жамиятлар тузиш ҳамда қайта ташкил этилаётган Жамият акцияларини тузилаётган жамиятлар акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби тўғрисидаги масалаларни ҳавола этади.

Бўлиш тарзида қайта ташкил этилаётган Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятни бўлиш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисида, янги жамиятлар тузиш ҳамда қайта ташкил этилаётган Жамият акцияларини тузилаётган жамиятларнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби тўғрисида қарор қабул қиласди. Янги тузилаётган хар бир жамият акциядорларининг умумий йиғилиши унинг уставини тасдиқлаш ҳамда Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Жамият бўлинганда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлиш балансига мувофиқ янги ташкил этилаётган икки ёки бир неча жамиятга ўтади.

15.6. Қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг фаолиятини тўхтатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказиб бир ёки бир неча жамият тузиш Жамиятни ажратиб чиқариш деб хисобланади.

Ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига ажратиб чиқариш тарзида Жамиятни қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари, янги жамиятни тузиш, ажралиб чиқаётган жамиятнинг акция ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларини айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлаш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳавола этади.

Ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятни ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришнинг тартиби ва шартлари, янги жамиятни тузиш, Жамиятнинг акцияларини ажралиб чиқаётган жамиятнинг акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлашни ўтказиш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қиласди.

Жамият таркибидан бир ёки бир неча жамият ажралиб чиқсанда ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилган Жамият ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисми бўлиш балансига мувофиқ уларнинг хар бирига ўтади.

15.7. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда бошқа хар қандай хўжалик жамияти ёки ширкатига айланишга ҳақли.

Жамият қайта тузилаётганда Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига Жамиятни қайта тузиш, қайта тузишни амалга ошириш тартиби ва шартлари ҳақидаги масалаларни ҳавола этади.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қайта тузиш тўғрисида, қайта тузишни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари ҳақида қарор қабул қиласди. Қайта тузиш жараённида вужудга келтирилаётган янги юридик шахснинг қатнашчилари ўзларининг кўшма мажлисларида унинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бошқарув органларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қиласди.

Жамият қайта тузилганида Жамиятнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтказиш далолатномасига мувофиқ янги вужудга келган юридик шахсга ўтади.

## 6) Жамиятни тугатиш тартиби

15.8. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Жамият фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади.

15.9. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- ◆ акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- ◆ қонун хужжатлариға мувофиқ суд қарорига асосан;
- ◆ қонун хужжатлариға белгиланган бошқа ҳолларда.

15.10. Жамият ихтиёрий равища тугатилган тақдирда, Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилиши хукмиға Жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш тұғрисидаги масалани ҳавола этади. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши тугатиш тұғрисида ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қиласы.

15.11. Жамият суднинг қарори билан тугатилганды тугатувчини тайинлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15.12. Тугатувчи тайинланған пайтдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бүйича барча ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи Жамият номидан судда иштирек этади.

15.13. Тугатувчи:

- ◆ тегишли матбуот органида Жамиятнинг тугатилиши, унинг кредиторларининг талаб қўйиш тартиби ва муддатлари тұғрисида хабар эълон қиласы. Кредиторларнинг талаб қўйиш муддати Жамият тугатилиши тұғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим;
- ◆ кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни Жамиятнинг тугатилиши тұғрисида ёзма равища хабардор қиласы.

15.14. Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланған муддат тугаганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади. Мазкур балансда тугатилаётган Жамият мол-мulkининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиши натижалари тұғрисидаги маълумотлар бўлади.

Оралиқ тугатиш баланси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

15.15. Агар Жамиятнинг мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, Тугатувчи Жамиятнинг бошқа мол-мulkини суд қарорларини ижро этиш учун белгиланған тартибда ким ошди савдосида сотишни амалга оширади.

15.16. Тугатилаётган Жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш Тугатувчи томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ қонун хужжатларида белгиланған навбат тартибida мазкур баланс тасдиқланған кундан эътиборан амалга оширилади.

15.17. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин Тугатувчи тугатиш балансини тузади, тугатиш баланси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

15.18. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин Жамиятнинг қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қонун хужжатларида белгиланған навбат бўйича тақсимланади.

15.19. Мол-мulkни ҳар бир навбат тартиби бўйича тақсимлаш аввалги навбат тартиби бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

15.20. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритган пайтдан эътиборан Жамиятни тугатиш тамомланган, Жамият эса фаолиятини тугатган ҳисобланади.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан Жамият тугатилганини ҳақида тегишли ёзувни Жамият қимматли қофозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганини бекор қилинганидан кейингина киритилади.

15.21. Тугатувчи ноқонуний ёки атайин нотўғри қилинған ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида Жамиятга келтирилган зарар учун жавобгардир.

## XVI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

16.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар

акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

16.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

16.3. Мазкур Устав Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

16.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, қонунда бошқа холлар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставга мувофиқ тартибга солинади.